

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Diplomat University ректори

Э.Махмудов

«17»

2022 й.



DIPLOMAT UNIVERSITY
АКАДЕМИК СИЁСАТИ ВА АКАДЕМИК БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

DIPLOMAT UNIVERSITY кенгашининг 2022 йил 17 сентябр даги
1-сон баёни билан тасдиқланган

Тошкент-2022

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. DIPLOMAT UNIVERSITYнинг академик сиёсати ва академик баҳолаш тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда академик сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, олий таълим тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, DIPLOMAT UNIVERSITYнинг (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) стратегик мақсадларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Университетда академик сиёсат ва талабалар билимини баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. **Академик сиёсат** – бу бевосита талабага йўналтирилган таълимни амалга ошириш ва таълим сифатини оширишга қаратилган таълим фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш қоидалари ва тизимларидан иборат фаолият.

Академик сиёсат университетнинг асосий миссиясини амалга ошириш, уни истиқболда ривожлантириш йўналишларини мустақил белгилаш, жаҳон андозаларига кўра университетда таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар тизими бўлиб, бунда таълим жараёнида иштирок этувчилар ўртасидаги муносабатлар ўз ифодасини топади.

1.3. Университетнинг академик ривожланиш стратегияси рақобатбардош етук мутахассисларни тайёрлаш, талабаларга ўқиш даврида сифатли таълим бериш билан биргаликда уларнинг дунёқарашларини ўстириш, ўқиш ва илмий-тадқиқот ишларини уйғунликда олиб бориш, ички ва ташқи бозор талабларига кўра янги таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда таълим жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ ишларни мустақил белгилашга йўналтирилган.

1.4. Академик сиёсатнинг **мақсади** рақобатбардош таълим дастурларини шакллантириш ва академик мобилликни ривожлантириш орқали талабаларга сифатли таълим хизматларини тақдим этишдан иборат.

1.5. Академик сиёсатнинг асосий **вазифалари**:

Талабага йўналтирилган инфратузилмани таъминлаш ва қулай, сифатли таълим муҳитини яратиш;

Университетда юқори малакали илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш;

Бозор талабларига кўра таълим йўналишлари дастурларини такомиллаштириш, янгиларини ишлаб чиқиш;

Университетда талабалар билимини баҳолаш ва профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти яқунларига баҳо беришни жаҳон андозалари талабларига мувофиқ олиб бориш.

1.6. Ушбу Низомда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

GPA (Grade Point Average) – талабанинг дастур бўйича ўзлаштирган балларининг ўртача қиймати;

Академик мобиллик – қабул қилувчи муассасада талабанинг вақтинча таълим олиш даврида кредит бирликларини ўзлаштириши ва уларни жўнатувчи муассаса томонидан тан олинishi;

Мобиллик дастури – таълим тўғрисидаги келишув асосида академик мобиллик даврида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим дастури;

Кредитлар – таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкмасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун сонларда ифодаланади;

Кредитларни бериш – малака ёки унинг алоҳида қисмларига қўйилган талабларга мувофиқ эришилган таълим олиш натижаларига кўра талаба ёки бошқа таълим олувчиларга кредитларни расмий тақдим этиш жараёни;

Кредитларни кўчириш (кредит трансфери) – талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир олий таълим муассасаси таълим дастури бўйича олинган кредитларни бошқа олий таълим муассасасига кўчириш ва тан олиш;

Кредит бирлиги соати – маъруза, лаборатория, семинар, студия ва амалий машғулотлар ҳамда амалиётларнинг 1 академик соати (50 дақиқа дарс, 10 дақиқа танаффус);

Кредит бирликларини тан олиш – бошқа таълим муассасасида эришилган ва баҳоланган таълим олиш натижаларининг университетдаги мавжуд фан дастурларидан бирининг талабларига жавоб беришини тасдиқлаш;

Кредит тўплаш – таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган бирликларни тўплаш;

Таълим олиш натижалари – талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач ўзлаштирган кўникмалари, топшириқларни тушунтириши ва уларни бажариш қобилиятининг тавсифи;

Таълим дастури – бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмуни, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, фан дастурларига қўйилган умумий талаблар, шунингдек, таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўқув-методик кўрсатмалар мажмуи;

Таълим тўғрисидаги маълумотнома – ўзлаштирилган фанлар, тўпланган синов бирликлари миқдори, олинган баҳолар акс эттириладиган

талабанинг академик ўзлаштириши бўйича гувоҳнома;

Академик маълумотнома (транскрипт) – таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган синов бирликлари ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

Фокус-гурӯх – мониторинг ўтказиш мақсадида академик гуруҳлар ичидан танлаб олинган гуруҳлар;

Оралиқ назорат – тегишли фандан талабалар билимини маълум муддат оралиғида баҳолаш;

Якуний назорат – муайян фан (модуль) бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларнинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш;

Вазифа/топшириқлар – фанларнинг муайян контентини талаба томонидан ташаббус кўрсатган ҳолда мустақил бажариладиган фаолиятнинг шакли. Мустақил иш мавзуларини фан ўқитувчиси беради ёки талаба мустақил фан хусусиятидан келиб чиқиб танлайди;

Лойиҳа – фан ўқитувчиси томонидан муайян талабага ёки талабалар гуруҳига берилган топшириқнинг шакли. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, талаба кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда берилган вазифаларни тақдимот, медиа, ёзма ёки визуал кўринишида ҳимоя қилади. Тақдимот-лойиҳа топшириқларини талаба ва талабалар гуруҳи ўзи танлаши ҳам мумкин бўлади;

Имтиҳон назоратчиси – оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказишда имтиҳонда қатнашиб, тартибни ва назоратни таъминлашга ёрдам берадиган университет ходими;

Ўзлаштириш (имтиҳон) қайдномаси – муайян фан бўйича гуруҳнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини акс эттирувчи таълим фаолияти натижаларига оид ҳужжат;

Workshop – талабанинг дарсга келиши, машғулотларда фаоллиги ва экспресс тарзда берилган саволларга берган жавобларининг баҳоланиб борилиши.

II-боб. Талабаларнинг сифатли контингентини шакллантириш

2.1. Университетда таълим йўналишларига талабаликка қабул қилиш куйидаги тамойилларга асосланади:

2.1.1. барча миллий ва халқаро талабаларга таълим олишда бир хил шароитлар яратиш ва тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш;

2.1.2. таълим жараёнларини анъанавий, масофавий ва аралаш технологияларни қўллаган ҳолда олиб бориш;

2.1.3. талабалikka қабул қилишда талабгорларнинг билимларини асосий мезон қилиб олиш, қабул жараёнида адолатлиликни, шаффофликни таъминлаш;

2.1.4. қабул жараёнларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва университетнинг абитуриентларни талабалikka қабул қилиш бўйича тасдиқлаган қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда амалга ошириш.

III-боб. Профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув кадрлари ва ходимларнинг сифатли таркибини шакллантириш

3.1. Университетда профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув кадрлари ва ходимларнинг таркибини шакллантириш қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

3.1.1. Ишга қабул қилишда талабгор профессор-ўқитувчининг, бошқарув ва мутахассис ходимнинг малакасига, мутахассислигига эътибор қаратиш. Ҳар бир ўқитиладиган фан бўйича тегишли фан профессор-ўқитувчиси, бўлимларнинг бажарадиган функцияларига мос келадиган мутахассис ишга киришга талабгор бўлиши керак. Маъмурий-бошқарув аппаратини ҳам шундай мезонларга кўра шакллантириш;

3.1.2. Профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув ходимлари ва бошқа ходимларнинг иш фаолиятларига баҳо бериш ва уларнинг фаолиятларини давом эттиришларини КРІ мезонлари асосида босқичма-босқич амалга ошириш;

3.1.3. Университетнинг ўқув, илмий тадқиқот, ижтимоий ҳаётига профессор-ўқитувчилар, маъмурий бошқарув ходимлари ва бошқа ходимларнинг фаол иштирокларини таъминлаш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш;

3.1.4. Профессор-ўқитувчилар, маъмурий бошқарув ходимлари ва бошқа ходимларнинг иш сифатларини ошириш мақсадида рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3.1.5. Университетнинг кадрлар сиёсатини амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра ва ички меъёрий ҳужжатлар асосида олиб бориш.

IV-боб. Талабалар билимини кредит-модуль тизимида баҳолашнинг умумий шартлари

4.1. Талабалар билимини баҳолаш академик сиёсатнинг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилади. Талабанинг ўзлаштириш

даражасини, яъни олинган билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда академик баҳолаш қўлланилади.

4.2. Таълимнинг кредит-модуль тизими талабанинг аудитория ва мустақил таълимдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Кредит тизимида баҳолашнинг шаффофлиги таъминланади.

4.3. Таълимнинг кредит тизими асосий афзалликларидан бири - ОТМлараро талаба алмашинувини соддалаштиради. Бу тизимда танлов фанларининг кўплиги иш берувчилар учун рақобатбардош кадрлар тайёрланишини таъминлаб беради.

4.4. Талаба таълимнинг кредит-модуль тизимида муваффақиятли таълим олиши учун қуйидаги талабларни бажариши лозим:

мустақил ишлаши;

танқидий, креатив ва таҳлилий фикрлай олиши;

масъулият ва ўзига ишончининг юқорилиги;

аниқ мақсад қўя олиши ва шу мақсад сари мустақил ҳаракатланиши;

ўзи қизиққан касб ва мутахассислигидан келиб чиқиб фанларни тўғри танлаши.

4.5. Талаба фанни тўлиқ ёки қисман ўзлаштириши натижасида ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлади. Ўзлаштириш кўрсаткичи кредит тўплаш учун асосий мезон ҳисобланади.

4.6. Академик баҳолаш тартиби асосида ўқув режасига мувофиқ тўлиқ ёки қисман ўзлаштириш натижасида битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом ва(ёки) сертификат берилади.

4.7. Танишув ҳафтасида ёки биринчи ўқув машғулотида талабалар мазкур академик сиёсат ва академик баҳолаш тартиби билан таништирилади.

4.8. Талаба таълим йўналиши ўқув режасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом олиши учун 240 кредит (2.0 GPAдан кам бўлмаган) тўплаши талаб этилади.

4.9. 1 кредит 30 академик соатга тенг. Талаба ўқув фанидан 50 фоиз ва ундан ортиқ ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлиши билан юқоридаги мезон асосида кредит тўплайди.

4.10. Талаба томонидан бир ўқув семестри давомида кундузги шаклда 30, сиртки шаклда 24 кредит қийматга эга ўқув фанлари ўзлаштирилади. Ихтиёрийлик асосида навбатдаги ўқув семестрида қўшимча равишда олдинги ўқув семестрида ўзлаштирилмаган ўқув фанларини қўшимча ўзлаштириш мумкин.

4.11. Мазкур мезондан кам кредит тўплаган ва(ёки) умумий кредит

баллари 2.0 GRAдан кам шкалага эга бўлган талабаларга таълим йўналиши бўйича ўқув дастурини тугатиш истагини билдирган тақдирда белгиланган шаклдаги сертификат тақдим этилади.

V-боб. Академик баҳолашдаги умумий қоидалар

5.1. Университетда барча дастурлар бўйича талабаларни тайёрлаш, имтиҳонларни ўтказиш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

5.1.1. Ўқув йили 2 семестрдан, ҳар бир семестр 15 ҳафтадан ташкил топадиган дарс жараёнидан, 1 ҳафталик оралиқ имтиҳон ва 1 ҳафталик якуний имтиҳон ўтказиш давридан иборатдир. Оралиқ ва якуний назоратлар ўқув жараёни графигида белгиланган муддатларда ўтказилади. Имтиҳонларнинг хаддан зиёд тифизлашувига йўл қўймаслик мақсадида Академик масалалар бўйича проректор томонидан факультет деканлари тавсияси асосида оралиқ ва якуний назоратлар муддатларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

5.1.2. Дарснинг давомийлиги (аудиториядаги ўқув машғулотлар ёки шунга ўхшаш) 50 дақиқа, дарслар оралиғи 10 дақиқани ташкил этади.

5.1.3. Университетда баҳолаш жараёни халқаро таълим стандартларига асосан олиб борилади. Бунда бошқа хорижий ҳамда маҳаллий олий таълим ташкилотларининг баҳолаш жараёнига мос келиши, яъни академик мобиллик дастурини таъминлаши учун баҳолаш конвертация қилиш йўли орқали амалга оширилади. Талабалар билимини баҳолаш бирлиги бир ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System - Европа кредит ўтказиш ва тўплаш тизими) кредитидир. ECTS - бу ўқиш жараёнини ва фанларни янада шаффоф қилиш воситаси ҳисобланади. Бу талабаларга бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб ўтишда ва олган академик малакасини ва ўқиш даврини чет элда тан олинишида ёрдам беради. Битта ECTS кредити 30 соатлик ўқув юкламасига тўғри келади (аудитория ва мустақил таълим соатларини ҳисоблаган ҳолда). Ҳар бир ўқув йили учун кундузги таълим шаклида талабалар томонидан жами 60 ECTS кредит балини, сиртқи таълим шаклида 48 ECTS кредит балини тўплаш имкони мавжуд бўлади.

5.1.4. Талаба семестр давомида олиши керак бўлган кредитлар сони ўқув режада кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Университет фанлар учун кредитлар сонини ўзи белгилайди. Бакалавр дипломини олиш учун зарур бўлган ECTS кредитларининг сони камида 240 ни ташкил этади.

VI-боб. Ўқув жараёнини режалаштириш

6.1. Университетда ўқув жараёнини режалаштириш қуйидаги босқичлардан иборат:

6.1.1. Таълим йўналиши ўқув режасини ишлаб чиқиш (1-илова).

Ўқув режа университетнинг мулки ҳисобланади. Ўқув режа алоҳида бир курсга тааллуқли бўлиб, шу курсни олиб борадиган профессор-ўқитувчига батафсил ўқув дастури тузиш мақсадида ўқув бўлими томонидан берилади ва у ўқув натижаларини назорат қилиш учун асос ҳисобланади. Ўқув режа камида қуйидагилардан иборат бўлиши керак: курснинг (фаннинг) номи, коди, ECTS кредитлари сони, амалиётларни ўтказиш шакли, давлат аттестацияси, GPA кўрсаткичлари;

6.1.2. Ўқув дастури (силлабус) тегишли ўқув режаси асосида фан ўқитувчиси томонидан тузилади. Ўқув дастури талабаларга ўқиш жараёнлари бошланган даврнинг биринчи ҳафтасидан кечиктирмай берилади. Ўқув дастуридан ўқув жараёни ва ўқув натижаларини назорат қилиш учун фойдаланилади. Ўқув дастурининг намунаси 2-иловада келтирилган. Ўқув дастури (Силлабус) талабалар билан алоқанинг асосий шакли бўлиб, унда: ўқув режанинг барча элементлари ва ҳар ўқув ҳафтасида ўтиладиган мавзуларни етказиб бериш жадвали, дарс соатлари ва мустақил машғулотлар соатлари ҳамда ўқитиш жараёни учун муҳим бўлган қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиши керак. Ўқув дастури (Силлабус)да баҳолашнинг кўрсаткичи, мезонлари келтирилиши керак;

6.1.3. Ўқув йили тақвими университет раҳбарияти томонидан профессор-ўқитувчилар дарсларни режалаштиришлари учун олдиндан қабул қилинади;

VII-боб. Академик қоидабузарлик

7.1. Талаба академик қоидабузарликка олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

Академик қоидабузарлик - бу талабанинг ўз баҳоларини яхшилаш мақсадида ноўрин ёки номақбул ишларни бажаришидир, шу жумладан:

(а) плагиат, яъни маълумот, фикр ёки ғояларни нашр этилган ёки нашр этилмаган манбадан нусхасини кўчириб олиш ва кўчирилган маълумотлар, фикрлар ёки ғоялар манбасини ўз ишида келтирмаслик;

(б) ўзаро келишиб олиш, яъни икки ёки ундан ортиқ талаба бирга ишлаб, аммо индивидуал баҳолаш учун бир хил ғоя ва матнни ўз ичига олган ишларни топшириши. Талабалар ўз ишларини бошқа талабалар томонидан

топширилишини олдини олиш чораларини кўриши ва ундан фойдаланишни олдини олишлари жуда муҳимдир. Ҳатто бажарилган топшириқни бошқа талабага бериб туриши ёки бошқа талаба билан биргаликда ишлайдиган компьютерда қолдириши, ундан нусха олинишини олдини олмаслиги ҳам тил бириктиришдек жазога олиб келиши мумкин;

(с) натижаларни қалбакилаштириш, яъни талаба ўз кузатувлари ёки ҳисоб-китоблари бўлмаган натижалар тўпламини ўзиники деб тақдим этиши;

(d) субпудрат, яъни талаба баҳо олиш мақсадида вазифа ва топшириқни бажариш учун учинчи шахсни ёллаши;

(е) имтиҳон жараёнида қоидабузарлик, яъни талаба имтиҳон топширишнинг адолатсиз йўлларидан фойдаланиши, масалан, конспект ва шпаргакалардан фойдаланиши, имтиҳон олинадиган хонанинг ичида ёки ташқарисида бошқалар билан мулоқот қилиши, олдиндан дастурлаштирилган қурилмалардан фойдаланиши ёки бошқалардан кўчириши.

Академик қоидабузарлик содир этилган ҳолатларда талаба тегишли фан бўйича назорат туридан баҳоланмайди.

Университет томонидан плагиат ва кўчирмачиликни олдини олиш учун махсус ахборот дастурларидан фойдаланилиши мумкин.

VIII-боб. Назорат турлари ва уларни амалга ошириш тартиби

8.1. Талабалар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

8.2. Оралиқ ва якуний имтиҳон топшириқлари (вазифалари) курс профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу жараён ўқув бўлими томонидан назорат қилинади. Зарур ҳолларда имтиҳон топшириқлари мазмуни Академик масалалар бўйича проректор топшириғига мувофиқ ўрганиб чиқилиши ташкил қилиниши мумкин. Назорат (имтиҳон) турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштирилишини холис (объектив) ва аниқ баҳолашга имкон бериши керак.

8.3. **Оралиқ назорат** учун ажратилган балл умумий баҳонинг 40% ини ташкил қилади. Талаба оралиқ имтиҳонда минимал баҳони, яъни ушбу имтиҳон тури учун белгиланган баҳонинг 50%ни олиши керак. Талаба ушбу назорат туридан етарли балл тўплай олмаган тақдирда профессор-ўқитувчи унга индивидуал равишда такроран назоратни ўтказишга рухсат бериши мумкин.

8.4. Оралиқ назоратни тақдимот, лойиҳа, ўқув лойиҳа, тест, ҳисобот, иншо, портфолио, эссе, кейс-стади ёки уларнинг аралаш варианты ва бошқа шаклларда ўтказилишга йўл қўйилади. Ўқитувчи талабанинг дарсга

қатнашишини оралиқ назоратга ажратилган балл доирасида алоҳида баҳолаши мумкин.

8.5. Оралиқ назоратни қайси шаклда ўтказиш фан ўқитувчиси томонидан мустақил белгиланади ва ўқув дастурида (силлабусда) кўрсатилади. Оралиқ назорат бўйича материаллар фан ўқитувчиси томонидан тайёрланади. Материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши бўйича ташкилий ишлар факультет декани томонидан назорат қилинади. Ҳар бир фан бўйича оралиқ назорат материаллари қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

1) Оралиқ назорат тегишли шакли ўқув дастурида кўзда тутилган билим ва кўникмаларни текширишга қаратилганлиги;

2) Тузилган саволлар ва тестлар ўз мазмуни бўйича аниқ, фаннинг замонавий талқинига асосланганлиги ва амалиёт билан бевосита боғлиқлиги;

3) Тайёрланган материаллар талабанинг таҳлил қилиш қобилияти ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини баҳолашга қаратилганлиги.

8.6. Факультет деканати ва кафедра оралиқ назоратни ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

8.7. Оралиқ назоратлар фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда оралиқ назоратни ўтказиш учун факультет деканати томонидан ишчи комиссия шакллантирилиши мумкин. Оралиқ назоратлар устидан тушган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси таркиблари Академик масалалар бўйича проректор томонидан тасдиқланади. Апелляция комиссияси раис ва аъзолардан таркиб топади.

8.8. Талабаларга бир кунда иккитадан ортиқ ўқув фанидан оралиқ назорат топширилишига йўл қўйилмайди.

8.9. Ёзма оралиқ назоратни топшириш учун 2 академик соатдан кам бўлмаган вақт белгиланади. Оралиқ назорат учун ажратилган вақт ўқув фани ва топшириқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин.

8.10. Оралиқ назорат яқунланганидан сўнг фан профессор-ўқитувчиси 3 иш куни ичида натижаларни тегишли деканатга топширади. Факультет деканати 1 кун муддат ичида натижаларни эълон қилиб, эълонлар доскасига ва университетнинг таълим платформасига жойлаштирилишини таъминлайди.

8.11. Талаба оралиқ назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 иш куни ичида факультет деканининг номига апелляция бўйича ариза бериш ҳуқуқига эга. Апелляция комиссияси томонидан 2 иш куни ичида талабанинг аризаси бўйича назорат иши кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

қўйилган баллни ўзгартиришсиз қолдириш;

қўйилган баллни ўзгартириш.

Апелляция комиссиясининг қарори муҳокама қилинмайди.

8.12. Талаба оралиқ назоратни белгиланган муддатда топширмаса (асословчи сабабини кўрсатади), натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 иш куни ичида ариза билан мурожаат қилади ва 10 иш куни ичида тасдиқланган график асосида назоратни қайта топширади.

8.13. Оралиқ назоратга сабабсиз келмаганлардан қайта имтиҳон олинмайди.

8.14. **Якуний назоратда** умумий баҳонинг 60%гача балл берилади. Якуний назорат тури ўқув семестри ва (ёки) ўқув фани якунида ўтказилади. Якуний назорат ҳар бир ўқув фанидан фақат бир марта олинади. Якуний назорат саволлари ўқув семестри давомида ўқитилган мавзуларни ҳамда топшириқларни қамраб олади.

8.15. Университетда якуний назорат тақдимот, лойиҳа, ўқув лойиҳа, тест, ҳисобот, иншо, портфолио, эссе, кейс-стади, ёки уларнинг аралаш варианты ва бошқа турдаги ёзма шаклларда ўтказилишга йўл қўйилади. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан якуний назорат топшириқлари ва саволлари ишлаб чиқилади.

8.16. Якуний назорат саволлари назорат ўтказилишидан камида бир ой олдин вариантга бўлинмаган кўринишда талабаларга тайёргарлик кўриш учун берилади.

8.17. Якуний назоратлар ўқув режаси асосида ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилган ва Академик масалалар бўйича проректор томонидан тасдиқланган назоратлар жадвалига мувофиқ ўтказилади. Талабалар белгиланган санада якуний назоратни топширишлари керак. Фақат фавқулодда ҳолатлардагина (касаллик, оилада ўлим), декан талабага имтиҳонни бошқа кун топширишига рухсат беради.

8.18. Факультет деканати (кафедра) якуний назоратни ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

8.19. Якуний назоратдан олдин тегишли фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича олган оралиқ назорат натижаларини ўзлаштириш қайдномасига киритган бўлиши шарт.

8.20. Бир кунда талабаларга фақат битта ўқув фанидан якуний назорат топширилишига рухсат берилади. Ёзма шаклдаги якуний назоратни топшириш учун 2 академик соатдан кам бўлмаган вақт белгиланади. Бошқа шаклларда олинган якуний назоратларни топшириш вақти фан ўқитувчиси томонидан белгиланади.

8.21. Якуний назорат ёзма иш шаклида ўтказилганида яқунланганидан сўнг фан ўқитувчиси ишларни бир ҳафта муддатда текшириб, текширилган, ўзлаштириш кўрсаткичлари қўйилган назорат ишларини

Марказий рўйхатга олиш бўлимига топширади. Марказий рўйхатга олиш бўлими якуний назорат натижаларни университетнинг таълим платформасига жойлаштириш орқали эълон қилади. Текширилган якуний назорат ишларини ўз вақтида Марказий рўйхатга олиш бўлимига топшириш устидан назорат факультет декани томонидан амалга оширилади.

Якуний назорат тест шаклида ўтказилганида жавоблар автоматик равишда электрон таълим платформасида баҳоланади ва тест синови тугаши билан талаба тўплаган балл маълум бўлади.

8.22. Якуний назоратнинг натижасидан норози талаба натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 иш куни ичида факультет деканини номига апелляция аризаси бериш ҳуқуқига эга. Апелляция комиссияси томонидан 2 иш куни ичида талабанинг аризаси бўйича якуний назорат иши кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

кўйилган баллни ўзгартиришсиз қолдириш;

кўйилган баллни ўзгартириш.

Апелляция комиссиясининг қарори муҳокама қилинмайди.

8.23. Якуний назоратда сабабсиз иштирок этмаганлардан қайта якуний назорат олинмайди.

8.24. Якуний назоратга талаба белгиланган муддатда асосли сабаблар билан (асословчи ҳужжатлар келтиради) иштирок этмаса, натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 иш куни ичида ариза билан мурожаат қилади ва 10 иш куни ичида тасдиқланган график асосида назоратни қайта топширади.

8.25. Талабалар якуний назорат ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назоратларни топширишлари шарт.

8.26. Якуний назоратда (шу жумладан қайта топшириш) да қатнашиш учун талаба оралиқ назоратдан максимал баллнинг камида 50%ини олган бўлиши керак. Якуний назоратда ҳам талаба камида 50% балл тўплаши талаб этилади.

8.27. Талаба фанни ўзлаштирган бўлиши учун оралиқ ва якуний назорат натижасида камида 50 балл тўплаган бўлиши керак.

8.28. Академик масалалар бўйича проректор университетда академик сиёсатнинг тўғри олиб борилишини таъминлайди ва академик баҳолаш жараёнларини мониторинг қилиб борилишини ташкил қилади.

IX-боб. Талаба билимини баҳолаш жараёни ва баҳолаш мезонлари

9.1. Профессор-ўқитувчилар фан дастурлари (силлабус) ва мазкур Низом билан талабаларни курс ўқитилишининг биринчи ҳафтасида

таништиришлари шарт.

9.2. Тегишли фан профессор-ўқитувчилари талабаларни оралик ва якуний назоратларни ўтказиш шартлари, қолдирилган дарсларни ўзлаштириш тартиби, талабаларнинг дарсга қатнашиши бўйича талаблар билан ўқув семестрининг биринчи ҳафтасида таништиради

9.3. Талабанинг барча машғулотларда тўлиқ ва фаол иштирок этиши кутилади. Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирамаган ҳисобланади.

9.4. Талабалар билимини баҳолаш 100 баллик тизим бўйича ҳар бир талаба бажарган индивидуал топшириқларнинг натижалари йиғиндисига асосланади ва талабалар билимини баҳолаш мезонларига кўра баҳоланади ҳамда GPAга трансфер қилинади.

9.5. Талабанинг семестрдаги якуний натижаси (баҳоси) тўплаган балларнинг йиғиндисидир. Талабанинг фан бўйича йиққан натижалари Конвертация жадвалига мувофиқ бошқа тизимлар миқёсида тақдим этилиши мумкин (3-илова).

9.6. Талаба ўз ишини мустақил ва ижодий усулда яратишини таъминлаш учун назоратларни текширишда плагиатга қарши ихтисослаштирилган дастурдан фойдаланилиши мумкин.

9.7. Зарур ҳолларда имтиҳонлар видео кузатув тизими ёрдамида кузатиб борилиши ва ёзиб олиниши мумкин.

9.8. Талаба якуний назоратда қатнашиши учун фотосуратли шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (талабалик гувоҳномаси, ID card), тақдим этиши шарт.

9.9. Ёзма шаклда ўтказиладиган оралик ва якуний назоратлар пайтида назорат ўтказиладиган хонага профессор-ўқитувчи талаб қилмаган ҳар қандай электрон жиҳозларни олиб кириш таъқиқланади. Ёзма имтиҳонларнинг батафсил қоидалари 4-иловада имтиҳонлар учун кўрсатмада келтирилган. Ушбу талабларни бузган талаба аудиториядан чиқарилиб, имтиҳонни топширмаган деб ҳисобланади. Талабанинг имтиҳон ўтказиладиган аудиториядан чиқариб юборилиши 5-иловада келтирилган имтиҳондан четлаштириш далолатномаси орқали расмийлаштирилади.

9.10. Якуний назорат турида қатнашмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича (F-қоникарсиз, 0-49 балл) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

9.11. Фанлардан академик қарздор бўлган ва имтиҳонни қайта топшира олмаган талабалар университет ректорининг буйруғи билан фанларга ажратилган контракт миқдорини университет ҳисобига тўлайди ва ундан

кейингина талаба ўқишини давом эттиришига рухсат берилади, яъни академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

9.12. Талабага оралиқ ва/ ёки якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони бир мартадан кўп бўлмаслиги керак.

9.13. Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни қайта топшира олмаган, семестр-академик йил бўйича қарздор бўлиб қолган талабалар рўйхати Марказий рўйхатга олиш бўлими (Registrar Office) томонидан университет проректорига тақдим этилади.

9.14. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор талаба ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан-курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб, уларга мос равишда контракт-тўлов маблағларини тўлайди. Контракт-тўлов шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалавриат учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 8 йилгача давом этиши мумкин.

9.15. Ўқув режага мувофиқ амалиёт ташкил қилиниши мумкин.

9.16. Амалиётни ўташ тартиби ва шартлари амалиёт дастурида белгиланади.

9.17. Тегишли ўқув йили якуни бўйича барча фанлардан:

A+= 90-100

A= 80-89

B+ = 75-79

B = 70-74

C+ = 65-69

C = 60-64

D=50-59 фоиз оралиғида баҳо билан баҳоланган талаба университет ректорининг буйруғига кўра кейинги курсга ўтказилади.

9.18. Ўқув фани (мавзу) бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўзлаштириш даражасига асосланади.

9.19. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъий назар, университет томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади:

Харф тизимида баҳолаш	Рақамли эквивалент (GPA)	Балларда (Фоизда)	Мезонлари
A+	4,0	90-100	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга. Талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради, бошқаларга ўргатади ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга;
A	3,5	80-89	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли ва чуқур билимга эга. Талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга;
B+	3,0	75-79	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли билимга эга. Талаба фан (мавзу) бўйича фикри шаклланган, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) тасаввур, кўникма ва билимга эга;
B	2,5	70-74	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли билимга эга. Талаба олган билимини назарий эгаллаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга;
C+	2,0	65-69	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли билимга эга. Талаба олган билимини назарий эгаллаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга;
C	1,5	60-64	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли билимга эга. Талаба олган билимини назарий эгаллаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга;
D	1,0	50-59	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича қисман билимга эга. Талаба олган билимини назарий эгаллаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга;
F	0,0	0-49	Талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фан (мавзу) нинг моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас.

9.20. Талабанинг фанлардан ўзлаштириш даражаси юқоридаги

жадвалдаги 8 та даража бўйича таснифланади ва якуний баҳо шунга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

X-боб. Ўқитиш ва баҳолаш сифатини таъминлаш

10.1. Университет профессор-ўқитувчиларининг фаолияти ва ўқув жараёни доимий равишда университет томонидан назорат қилинади. Ўқув жараёнининг назорати белгиланган ўқув натижаларига, номинал иш юкламаси бажарилишига эришиш ва унинг тўғрилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Назорат саволномалар, фокус-гурuhlар, интервью ёки натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

10.2. Университетда баҳолашнинг энг юқори стандартларини таъминлаш мақсадида ҳар бир профессор-ўқитувчи учун қуйидагилар бўйича ўзаро модерация (таҳлил) ташкил этилиши мумкин: (1) Фан дастури (Силлабус), шу жумладан, ўқитиш усуллари ва баҳолаш шакллари; (2) Оралиқ назорат баҳолаш тизими; (3) Якуний назорат баҳолаш тизими. Бунда фан профессор-ўқитувчиси томонидан оралиқ ва якуний назоратлар учун қўйилган баҳолар дастлабки модерация (таҳлил, ўзаро кўриб чиқиш) қилиниши керак. Муҳокама учун ишларнинг камида 10% қабул қилинади, улар жумласига энг юқори баҳоланган ишлар, энг паст даражада баҳоланган ишлар, ўтиш бали олмаган ишлар ва “чегара чизиғида”, яъни энг минимал ўтиш бали билан баҳоланган ишлар танланади.

10.3. Назоратнинг барча турларини ўтказилиши ўқув бўлими томонидан доимий равишда текширилади. Назорат ўтказиш тартиби бузилган тақдирда талабаларнинг натижалари бекор қилиниши ва тегишли назорат тури такроран ўтказилиши мумкин.

10.4. Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар шикоятлари ушбу Академик сиёсатда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

10.5. Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга. Курс (фан) профессор-ўқитувчиси ҳам ўз фанига тегишли бўлган апелляциялар кўриб чиқилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

XI-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш

11.1 Талабаларнинг назорат турлари натижаларини баҳолаш тегишли фан профессор-ўқитувчиси томонидан ўзлаштириш (баҳолаш) қайдномасида ва университетнинг электрон таълим платформасида қайд этилади.

11.2. Профессор-ўқитувчи ўзлаштириш (баҳолаш) қайдномасида

талабага қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи бир ҳафта муддатда ишларни текшириб бўлиб, талабаларнинг натижаларини ўзлаштириш (баҳолаш) қайдномасида қайд этиши лозим.

11.3. Талабанинг билими мазкур Низомнинг 9.17-бандида кўрсатилган баҳолар билан баҳоланганда, назорат турларини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

11.4. Ўзлаштириш (баҳолаш) қайдномаси Марказий рўйхатга олиш бўлимида сақланади. Ўзлаштириш (баҳолаш) қайдномаси нусхалари фан ўқитувчиси ва ўқув бўлимига топширилади. Марказий рўйхатга олиш бўлими ўзлаштириш (баҳолаш) қайдномасига ўзгартиришлар киритилмаслиги учун жавобгардир.

11.5. Талабанинг ўзлаштириши транскриптда ўртача баллар шаклида кўрсатилади (GPA - ўртача балл). GPAни ҳисоблаш формуласи б-иловада келтирилган.

ХII-боб. Яқуний қоидалар

12.1. Талабаларни баҳолаш натижалари доимий равишда кафедра ва факультет йиғилишларида ҳамда университет Кенгашида муҳокама қилинади.

12.2. Ушбу Низомда кўрсатилган баҳолаш тартибининг самарадорлиги университет Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиб борилади ва заруриятга кўра унга қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилади.

Иловалар

1. Ўқув режаси намунаси
2. Фан дастури (Силлабус) намунаси
3. Баҳолаш тизимларини конвертация қилиш жадвали
4. Ёзма иш имтиҳонларини топшириш бўйича талабалар учун қўлланма
5. Имтиҳондан четлаштириш тўғрисида далолатнома
6. GPAни ҳисоблаш формуласи

КЕЛИШИЛДИ:

Академик масалалар бўйича проректор _____ А.Тошпулатов
(имзо)

Ўқув бўлими бошлиғи _____ Н.Рахимов
(имзо)

Ўқув режаси намунаси

Ўқув режасида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

Таълим йўналиши номи ва шифри;

Академик даража (бакалавр ёки магистратура);

Ўқиш муддати;

Таълим шакли;

Ўқув йили;

Ўқув жараёни жадвали (назарий ва мустақил таълим, таътиллаш, аттестация, амалиёт ўталадиган ҳафтала);

Фан коди; номи, фан учун ажратилган кредит миқдори, ажратилган соат;

Мажбурий ва танлов фанлари рўйхати;

Амалиётлар;

Аттестациялар;

Ўқув режа мазмунини аниқлаштирадиган бошқа маълумотлар.

Ўқув режа мазмуни (қандай фанлар қанча соат ўқитилиши, назарий ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар, амалиётни ва якуний давлат аттестациясини ташкил қилиш) факультет декани томонидан тайёрланади ва ўқув-услубий бўлим билан ҳамкорликда расмийлаштирилади.

Ўқув режалар университет кенгашида муҳокама қилиб, тасдиқланади.

Фаннинг ўқув дастури (Силлабуси) намунаси

DIPLOMAT UNIVERSITY

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Академик масалалар бўйича
проректор _____

2022 йил “__” _____

“МИКРОИҚТИСОДИЁТ-1” фанининг

Ўқув дастури (силлабуси)

Билим соҳаси:	300 000	- Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот
Таълим соҳаси:	310 000	- Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар
Таълим йўналиши:	60310100	- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) (сиртки)

Ўқув дастури DIPLOMAT UNIVERSITY Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2022 йил “_____” даги № _____ -сонли баённома)

Тошкент – 2022

Фаннинг ўқув дастури (Силлабуси)

Академик даража	Бакалавр	Таълим йўналиши	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
Фан коди	ECON 1 6	Семестр	2
Фан номи	Микроиқтисодиёт-1	Модулнинг давомийлиги	15 ҳафта
Кредит ҳажми (1 кредит-30 соат)	ECTS-6	Тайёрлади	DSc., доцент в.б., Фарход Абдурахмонов farkhod68(3),email.com
Фан тури	мажбурий	Ҳафтадаги дарс соатлари	4
Ажратилган академик соат ҳажми	180		Талабаларни қабул қилиш куни
	60 ауд.	120 муст.	

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Малакали иқтисодчи бўлиш учун энг аввало иқтисодий назарияни пухта эгаллаш зарур ҳисобланади. Ушбу йўналишда биринчи қадам иқтисодий назарияни ва унинг бошланғич таркибий қисми ҳисобланган микроиқтисодиёт фанини чуқур ўрганиш ҳисобланади.

Шунинг учун мазкур фан дунё мамлакатларидаги олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт йўналишида таълим оладиган барча талабалар учун мажбурий фан сифатида ўқитилади. Бозор иқтисодиёти шароитида яшаш, меҳнат қилиш, бизнесни юритиш, уй хўжалигини самарали олиб бориш, иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда иқтисодий қонуниятларни билиш ва уларга кўра ҳаракат қилиш муҳим масаладир. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, микроиқтисодиёт фани доимий долзарблигини йўқотмайдиган фанлар қаторига киради ва унинг олий таълимдаги ўрни каттадир. Микроиқтисодиёт фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Университетнинг ўқув режасига кўра микроиқтисодиёт фани икки қисмга бўлиб талабаларга ўргатилади. Микроиқтисодиёт-1 фани 1-курсда ўқитилади.

Микроиқтисодиёт-1 ўқув фанининг ушбу дастури талабанинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди ҳамда ўқув машғулоти ва ҳисоботларнинг мазмуни ва турларини белгилайди.

Фанга ажратилган соатлар. Фанга ажратилган умумий соатлар ҳажми 180 академик соат бўлиб, шундан аудитория машғулоти 60 соатни, мустақил таълим 120 соатни ташкил этади.

Микроиқтисодиёт-1 фанини ўқитишдан мақсад талабаларга замонавий бозор иқтисодиётининг ишлаши ва ривожланишининг ҳам назарий ва ҳам амалий томонларини ўргатиш ҳамда бозор субъектларнинг ҳар хил бозор тузилмаларидаги иқтисодий фаолиятини ўрганиш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака

шакллантиришдир.

Фанни ўзлаштиришнинг вазифалари микроиқтисодиётни иқтисодий назариянинг батафсил курсини билишнинг биринчи босқичи сифатида ва микроиқтисодиётни ушбу курснинг бир қисми сифатида ўрганиш; микроиқтисодиётнинг умумий тузилиши билан танишиш, корхона, тармоқ иқтисодиёти, бозорлар ҳақидаги билимлар тизими сифатида микроиқтисодий ривожланишнинг асосий қонуниятларини билиш; микроиқтисодий жараёнлар мавжудлигининг асосий шакллари тушунишдан иборатдир.

Шунингдек, микроиқтисодиёт-1 фани ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- (1) бозор иқтисодиётининг бош масаласи ва унинг ечимини ўрганиш;
- (2) иқтисодий категориялар ва қонунлар ҳамда иқтисодий тизимлар тўғрисида билимлар бериш;
- (3) талаб ва таклиф ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;
- (4) иқтисодий сиёсат йўналишлари ҳақида тушунтириш;
- (5) ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- (6) мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий моҳиятини, мулкчилик муносабатларини ёритиш;
- (7) бозор мувозанати, максимал ва минимал нархларни ўрнатилиши, талаб ва таклиф эластиклиги ва улардан амалиётда фойдаланиш йўналишларини, истеъмолчи танлови, истеъмолчининг бозордаги ҳаракати ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- (8) ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари, ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишни ўрганиш;
- (9) иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари тўғрисида билимлар бериш.

Микроиқтисодиёт фанининг иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, иқтисодий таълимотлар тарихи, молиявий ва бошқарув ҳисоби, иқтисодчилар учун математика фанлари билан боғлиқлиги мавжуд.

Ушбу фанни ўрганишдан олдин талабалар иқтисодий билимлар тўғрисида умумий тушунча ва билимларга эга бўлишлари керак.

III. Фан бўйича талабанинг билими, кўникмаси ва малакасига қўйилган талаблар

Мазкур фанни ўрганиш давомида талаба:

ижтимоий-иқтисодий таракқиётнинг умумий асослари, босқичлари, ўзгариш сабаблари ва оқибатлари; ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг хусусиятлари; иқтисодий қонунлар ва категориялар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

иқтисодиёт назарияси асосларини; миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини; макроиқтисодий даражадаги вазиятларни чуқур англаши;

иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш хусусиятларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини билган ҳолда самарали қўллаш; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларнинг (категорияларнинг) амал қилиш хусусиятларини, механизмларини ўрганган ҳолда иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

истеъмол товар ва хизматларига бўлган талаб ва таклиф қонунлари асосида бозорларни таҳлил қилиш ва хулосалар ясашни; талаб ва таклиф функцияларини келтириб чиқаришни, эластиклик коэффицентларини ҳисоблаш ва улар асосида бозордаги ҳолатни таҳлил ва прогноз қилишни билиши ва улардан фойдалана олиши;

ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш омилларидан оптимал фойдаланишни;
 ишлаб чиқариш харажатлари турларини;
 таваккалчилик ва уни олдини олиш ҳамда пасайтириш йўлларини;
 бозор шароитида нархларнинг қандай шаклланишини;
 давлатнинг бозор иқтисодиётига аралashiш йўналишлари ва уларнинг оқибатларини;
 меҳнат, капитал ва ер бозорининг ишлаш механизмини билиши ва улардан фойдалана олиши;
 рақобатлашган ва рақобатлашмаган бозорлар тўғрисида;
 бозор шароитида нархнинг шаклланиши механизми тўғрисида;
 ҳар хил бозор тузилмаларида фирмаларнинг ҳаракат қилиш қоидалари тўғрисида;
 бозорнинг ишлаш самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғрисида аниқ малакаларга эга бўлиши керак.

IV. Таълим технологиялари ва методлари:

- > маърузалар;
- > интерфаол кейс-стадилар;
- > семинарлар (манتيкий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар);
- > гуруҳларда ишлаш;
- > тақдимотлар қилиш;
- > индивидуал лойиҳалар;
- > жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.

V. Маъруза мавзулари

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми
1	Микроиқтисодиёт фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари	2
2	Бозор мувозанати. Талаб ва таклиф таҳлили асослари	2
3	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари	2
4	Мулкчилик муносабатлари	2
5	Мукамал ва номукамал рақобат шароитида фирманинг хатти-ҳаракати	2
6	Товар-пул муносабатлари ривожланиши, бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилиши	2
7	Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши	2
8	Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари	2
9	Бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар	2
10	Талаб ва таклиф эластиклиги	2
11	Истеъмолчи хулқ-атвори	2
12	Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш ва танлаш	2
13	Ишлаб чиқариш назарияси	2
14	Ишлаб чиқариш харажатлари	

15	Даромад самараси ва алмаштириш самараси	2
Жами:		30

VI. Семинар машғулоти мавзулари

№	Семинарлар	Соатлар ҳажми
1	Микроиқтисодиёт фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари	2
2	Бозор мувозанати. Талаб ва тақлиф таҳлили асослари	2
3	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари	2
4	Мулкчилик муносабатлари	2
5	Мукамал ва номукамал рақобат шароитида фирманинг хатти-ҳаракати	2
6	Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилиши	2
7	Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши	2
8	Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари	2
9	Бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар	2
10	Талаб ва тақлиф эластиклиги	2
11	Истеъмолчи хулқ-атвори	2
12	Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш ва танлаш	2
13	Ишлаб чиқариш назарияси	2
14	Ишлаб чиқариш харажатлари	2
15	Даромад самараси ва алмаштириш самараси	2
Жами:		30

VII. Мустақил таълим мавзулари

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми
1	Микроиқтисодиёт-1 фанининг предмети ва услублари	8
2	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари	8
3	Иқтисодий тизимлар. Мулкчилик муносабатлари	8
4	Миллий бойлик ва унинг таркиби	8
5	Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва бозор иқтисодиётининг шаклланиши	8
6	Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши	8
7	Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари	8
8	Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари	8
9	Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари	8
10	Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари	8

11	Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси	8
12	Ишлаб чиқариш назарияси. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари	8
13	Меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш	8
14	Даромад самараси ва алмаштириш самараси	8
15	Корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш	8
Жами:		120

VIII. Кредитларни олиш учун талаблар:

Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.

IX. Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари, ва тартиби:

Талабаларнинг билимини баҳолаш тартиби “DIPLOMAT UNIVERSITY” академик сиёсати ва академик баҳолаш тўғрисидаги Низом талаблари асосида белгиланади.

Назоратларни амалга ошириш тартиби.

Оралиқ назорат: Ўтилган мавзулар асосида оғзаки шаклда ўтказилади.

Якуний назорат: Семестр давомида ўтилган мавзулар бўйича тест шаклда ўтказилади.

Оралиқ ҳамда якуний назоратларнинг ўтказилиши муддатлари тасдиқланган ўқув жараёни жадвали асосида ташкил этилади.

Изоҳ: Назорат турлари, шакллари ва сонига кафедра йиғилиши қарорларига (кафедра мавжуд бўлмаганида факультет декани билан келишган ҳолда) асосан ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

Харф тизимида баҳолаш	Рақамли эквивалент (GPA)	Балларда (Фоизда)	Мезонлари
Баҳолаш усуллари			Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар
Баҳолаш мезонлари			
A+	4,0	90-100	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга. Талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради,
A	3,5	80-89	

			бошқаларга ўргатади ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга;
B+	3,0	75-79	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли ва чуқур билимга эга. Талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга;
B	2,5	70-74	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли билимга эга. Талаба фан (мавзу) бўйича фикри шаклланган, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) тасаввур, кўникма ва билимга эга;
C+	2,0	65-69	Талаба фан дастурининг барча бўлимлари бўйича қисман билимга эга. Талаба олган билимини назарий эгаллаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга;
C	1,5	60-64	Талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фан (мавзу) нинг моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас.
D	1,0	50-59	
F	0,0	0-49	
Рейтинг баҳолаш турлари	Максимал балл	Ўтказиш вақти	
Оралик назорат	40	Семестрнинг 8-ҳафтасида	
Якуний назорат	60	Семестрнинг охириги ҳафтасида	
Жами:	100		

Х. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаари Асосий адабиётлар

1. Б.Т. Салимов, М.С. Юсупов, Б.Б. Салимов. Микроиқтисодиёт. Дарслик. -Т.: - Иқтисодиёт, 2019.
2. Robert S. Pindyck, Daniel L. Rubinfeld. Microeconomics. Ninth Edition. - Pearson Education Limited, 2018.

3. Аддреу Мас-Колелл и др. Микроэкономическая теория. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2016.

Кўшимча адабиётлар

1. Салимов Б., Мустафакулов Ш., Салимов Д. Микроиктисодиёт: масалалар, намуналар, топшириқлар, тестлар. (Ўқув қўлланма) – Т: ТДИУ, 2010.
2. Атамонова В.С., Иванова С.А. Микроэкономика. Москва, 2009.
3. Нуреев Р.М. Сборник задач по Микроэкономике, Норма. Москва, 2008.
4. Пиндайк Р., Д. Рубинфельд. Микроэкономика. 5-е международное изд.- СПб.: Питер, 2007.
5. Просветов Г.И. Стратегия предприятия. Учеб, практическое пособи. - М.: «Альфа-Пресс», 2010.
6. Общая экономическая теория. Российская Экономическая Академия, 1999.
7. Вэриан Х.Р. Микроэкономика. Промежуточный уровень. Современный подход: Учебник для вузов/Пер, с англ., под ред. НЛ. Фроловой. — М.: ЮНИТИ, 1997.
8. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. -19 th ed. - New York. The McGraw-Hill Companies, Inc., 2012.
9. Хайман Д.Н. Современная микроэкономика: анализ и применения в 2-х частях. М.: Финансы и Статистика, 1992.
10. Нуреев Р. М. Курс микроэкономики: учебник / Р. М. Нуреев. -3-е изд., исп. и доп. - М.: Норма: ИНФРА-М, 2014.
11. Эдвин Дж. Долей., Дейвид Е. Линдсей. Рынок. Микроэкономическая модель. Санкт- Петербург, 1992.
12. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. Курс экономической теории. МГИМО. Киров “АСА”, 2002.
13. Dewett K. K. Modern Economic theory. Shyam Lal Charitable Trust, 2015
14. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. ДЕЛО Лтд, 1995

Интернет сайтлари

1. www.mineconomy.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сайти
2. www.mehnat.uz - Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сайти
3. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
4. www.slat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси сайти
5. www.academy.uz - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси сайти
6. www.semi.rssi.ru - Россия Федерацияси Марказий-иқтисодий математика институти сайти
7. www.nber.com - АКШ иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси сайти
8. www.webofscience.com- Халқаро илмий мақолалар платформаси сайти
9. www.scopus.com - Халқаро илмий мақолалар платформаси сайти

**Дипломат университетда баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига
конвертация қилиш жадвали**

Россия Федерацияси баҳолаш тизими	Европа мамлакатлари синов бирликларини кўчириб ўтказиш ва тўплаш тизими	АҚШ баҳолаш тизими (A-F)	Буюк Британия баҳолаш тизими (%)	Япония баҳолаш тизими(%)	Корея Республикаси баҳолаш тизими (%)	2019 йилга қадар Ўзбекистон ОТТлари баҳолаш тизими	Дипломат университети	
							A-F	%
«5»	«A»	A+	70- 100	80- 100	90- 100	86- 100	A+ A	90-100 80-89
		A						
		A-	65-69					
«4»	«B»	B+	60 - 64	70-79	80-89	71 -85	B+ B	75-79 70-74
	«C»	B	50-59					
		B-						
«3»	«D»	C+	45-49	60-69	70-79	55-70	C+ C D	65-69 60-64 50-59
	«E»	C	40-44		60-69			
		C-						
		D+						
		D						
D-								
«2»	«P»	F	0-39	0-59	0-59	0-54	F	0-49

Ўзма иш имтиҳонларини топшириш бўйича талабаларга қўлланма

- Сизнинг имтиҳон талаблари ва баҳолаш қоидаларига бўйсунингиз зарур ҳисобланади;
- Сиз имтиҳон пайтида бошқа бирор-бир талаба билан ҳеч қандай мулоқот қилмаслигингиз шарт;
- Сиз имтиҳон якунлангунга қадар ўз жойингизда қолишингиз керак;
- Агар сиз ўзингизга назоратчининг эътиборини қаратмоқчи бўлсангиз қўлингизни кўтаринг, хонадан фақат назоратчининг рухсати билан чиқишингиз мумкин ва сизга имтиҳоннинг дастлабки 60 дақиқасида ёки охириги 10 дақиқасида хонадан кетишингизга рухсат берилмайди;
- Имтиҳон қоғозини (ёки дафтарни) топширгандан кейин хонага қайта кира олмайсиз;
- Чўнтақларингизни ҳозир текширинг, агар сизда бирон бир эслатма, шпаргалка, босма нашр ёки бошқа рухсатсиз нарсалар бўлса, уларни ҳозир назоратчи қўлига топширишингиз керак. Акс ҳолда имтиҳондан четлаштирилишингиз мумкин;
- Барча мобил телефонлар ва смарт соатларни ўчириш ва стол устига қўйиш керак. Қўл соатларини иш столларига қўйиш зарур;
- Сиз ўзингизнинг расмли идентификаторингизни (масалан: паспорт, хайдовчилик гувоҳномаси ёки ID карта) олдингиздаги столга қўйишингиз керак бўлади. Бу ҳужжатларсиз биз сизни имтиҳонга кирита олмаймиз;
- Калькулятор ишлатишга рухсат берилмайди. (истисно тариқасида: фақат асосий, дастурлаштирилмайдиган калькуляторларга рухсат берилиши мумкин);
- Луғатлардан фойдаланиш ёки маттни сақлаш мумкин бўлган бошқа воситалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди;
- Қоралама ишингиз сизнинг жавоблар варақасига (ёки дафтарга) ёзилиши ва ажратиб кўрсатилган бўлиши керак; имтиҳон варақаси (ёки дафтар) имтиҳон ўтказилаётган хонадан чиқарилмаслиги керак;
- Зарур бўлганда қўшимча қоғоз (давом эттириш учун варақалар) берилади;
- Энди талабалар гувоҳномаси ID рақамини, йўналиш кодини, фаннинг номини ва санасини жавоблар варақасининг олд қисмига ва сиз фойдаланадиган барча давом эттириладиган варақларда аниқ ёзишингиз керак.

Имтиҳондан четлаштириш тўғрисида далолатнома

20__ йил “__” _____

Биз, қуйида имзо қўювчилар:

_____ (талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми);

_____ факультети, курси, гуруҳи, таълим йўналиши

Фан _____ номи

_____ (қоида бузилиши кўрсатилсин)

сабабли имтиҳондан четлатилганлигини тасдиқлаймиз.

1. Имтиҳон комиссияси аъзоси

_____ (Фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Имзо _____

2. Имтиҳон комиссия

аъзоси _____ (Фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Имзо _____

GPA ни ҳисоблаш формуласи

Ўртача балл (ЎБ) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 \dots + K_n}, \quad \text{бунда:}$$

K — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

U — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган баҳо (балл);

Ўртача балл фоизларда қуйидагича ифодаланади:

Масалан:

Барчаси 6 кредитдан берадиган 5 та фан мавжуд бўлсин. Унда $K_1=6$, $K_2=6$, $K_3=6$, $K_4=6$, ва $K_5=6$ бўлади. Талаба мос равишда 85%, 76%, 93%, 65% ва 92% йиққан бўлса, унда:

$$\text{ЎБ}(GPA) = (6 * 85 + 6 * 76 + 6 * 93 + 6 * 65 + 6 * 92) / (6 + 6 + 6 + 6 + 6) = 510 + 456 + 558 + 390 + 552 = 2466 / 30 = 82,2\%.$$

Агар кредитлар миқдори бошқача бўлса, масалан, $K_1=3$, $K_2=2$, $K_3=5$, $K_4=6$ ва $K_5=4$ бўлса, у ҳолда талаба мос равишда 85%, 76%, 93%, 65%, ва 92% йиққан бўлса, унда

$$\text{ЎБ}(GPA) = (3 * 85 + 2 * 76 + 5 * 93 + 6 * 65 + 4 * 92) / (3 + 2 + 5 + 6 + 4) = 1630 / 20 = 81,5\%$$